- геологик, гидрогеологик ва муҳандислик иқтисодий қидирув тадқиқот ишларининг натижалари акс эттирилган ҳисоботлар;
- смета ва умумий тақвимий режа;
- вақтинчалик қурилишлар ҳисоби ва қурилишни ташкил қилиш лойиҳасининг бошқа ашёлари.

Алоҳида шахба қурилиши бош тарhini тузиш учун эса умуммайдон қурилиш бош тархи, мазкур шахба учун тузилган тақвимий режа ва технологик хариталар, бинонинг ишчи чизмалари ҳамда материал –техник ашёларга эҳтиёжни аниқлаш ҳисоблари зарур бўлади.

Қурилиш бош тархининг бу тури иш бажариш лойиҳаси таркибида бош пудратчи ёки унинг буюртмасига мувофиқ лойиҳаси томонидан тузилади. Қурилиш бош тарhini тузиш қуйидаги тартибда бажарилади:

- вақтинчалик бино ва иншоотларнинг тури ва сони аниқланади;
- қурилиш майдончасидаги омбор хўжалиги лойиҳаланади;
- қурилиш майдончасини вақтинчалик сув билан таъминлаш ҳисоблари бажарилади;
- қурилиш майдончасини вақтинчалик электр энергияси билан таъминлаш ҳисоблари бажарилади;
- вақтинчалик оқава сувларни йиғиб олиш тизими лойиҳаланади;
- зарурий ҳолларда қурилишни иссиқлик ва пар билан таъминлаш ҳисоблари бажарилади.

Юқоридаги тартибда ҳисоб-лойиҳалаш ишлари охирига етказилгач, қурилиш бош тархининг чизмадаги кўринишини тузишга киришилади ва у қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- танланган масштабда контури чизилади, ички йўл ва йўлаклар, монтаж кранларининг жойлашиши ва ҳаракатланиш йўналиши чизмага туширилади;
- ҳисоблар асосидаги очик ва ёпиқ омборлар кўрсатилади;
- “шамол гули” чизилиб, унга мувофиқ вақтинчалик бино ва иншоотлар жойлаштирилади;
- вақтинчалик сув, электр, телефон тизими режага туширилади.

Қурилишда вақтинчалик омборлар, уларнинг ҳисоби ва қурилиш бош тархида акс эттириш

Қурилишда омборларни тўғри ташкил қилиш ишлаб-чиқариш режаларини ўз вақтида бажариш учун замин ҳозирлайди. Қурилиш учун

зарур бўлган ашёлар, тузилма ва қисмларни тўғридан-тўғри завод ёки корхоналардан ташиб келтириб ишлатиш усули ҳам мавжуд.

Лекин бунда кўзда тутилмаган сабабларга кўра қурилиш ашёлари ва тузилмалари кўрсатилган вақтда қурилиш объектига ташиб келтирилмай қолиши мумкин. Бунда қурилишдаги ишчилар маълум муддатда режалаштирилган ишларини бажариш имкониятини йўқотишлари ва қурилиш узлуксизлигига путур етиш эҳтимоллиги содир бўлади. Бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида, қисман қўшимча сарф-ҳаражатларга олиб келишига қарамай, асосий қурилиш ашёлари ва тузилмалари бир неча кун олдин қурилиш майдончасига ташиб келтирилади ва у ерда омбор хўжалиги ташкил қилинади.

Қурилиш майдонидаги омборларни лойиҳалашда 3 турдаги омборлар кўзда тутилади: очик омборлар, ёпик омборлар ва ярим очик омборлар.

Ўлчамлари катта бўлмаган асбоб-ускуналар, бўёқлар, линолеум, ойналар, махсус кийим-бош ва пойафзаллар, мих, электрод ва шунга ўхшашларни сақлаш учун камида 60 м² фойдали майдонга эга бўлган ёпик омбор кўзда тутилиши зарур.

Шифер, қорақоғоз, битум, ёғоч-тахта, эшик-дераза, арматура, цемент, гипс каби материаллар учун очик омборлар лойиҳаланади.

Барча турдаги омборларнинг майдони унда сақланувчи материалларнинг миқдориغا кўра ҳисоблаб чиқилади:

$$M^2$$

Бу ерда:

Q – омборда сақланиши зарур бўлган ашёлар ва тузилмалар миқдори;

k – ашёлар ва тузилмалар тахининг оралиқларини ҳисобга олувчи

коэффициент, одатда тузилмалар турига қараб 1,1 -1,5 олинади;

q – омборнинг 1м² майдонида сақланадиган ашё ва тузилмалар меъёри.

Омборда сақланиши лозим бўлган ашё ва тузилмалар миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$\eta$$

Бу ерда:

Q_{ум} – қурилишга зарур бўлган ашё ва тузилмаларнинг умумий миқдори;

T – ашё ва тузилмаларнинг қурилишда ишлатилиш даври, тўрсимон ёки тақвимий режадан олинади;

Π - ашё ва тузилмаларни келтиришда ва ишлатишдаги нотекисликни ҳисобга олувчи коэффициент, $\eta = 1,1$.

t – қурилишнинг узлуксизлигини таъминлаш учун қабул қилинадиган захира кунлари, $t=3-5$ кун.

Омборларнинг майдони ҳисоблаб топилгач, улар турлари бўйича қурилиш бош тархига жойлаштирилади. Бунда оғир тузилмаларни очик омборларга жойлаштириш ва уларнинг монтаж крани ёрдамида ўрнатилишини таъминлаш зарур. Шу билан биргаликда омборларга транспорт воситаларининг бемалол келиб-кетиши, тўхтаб туриши учун имкониятлар яратилган бўлиши, ёнғин чиқиши ва тарқалмаслиги чоратадбирлари қўрилиши лозим.

Омборларнинг ҳисоби.

Омбор майдонлари ашёлар сонига қараб ҳисобланади:

Бу ерда:

$Q_{\text{зап}}$ – омбордаги захира ашёлари.

$Q_{\text{ум}}$ – қурилишга керакли умумий ашёлар сони.

α – омборга келаётган ашёларни нотекислик коэффиценти, 1,1 деб оламиз.

T – кунлик ҳисоб даврига давомийлик.

n – кунлик ашё меъёрий захираси.

k – ашёга бўлган талабни нотекислик 1,3 деб оламиз.

Омборларнинг фойдали майдони F ўтишсиз қуйидаги формуладан топилади:

$$F = \frac{Q_{\text{зах}}}{q}, \text{ м}^2$$

Бу ерда:

q – 1 м^2 омбор майдонига тахланадиган ашёлар сони.

$$S = \frac{F}{\beta}$$

Омборнинг умумий майдони

Бу ерда:

β – омборни фойдали иш коэффиценти.

I. Шийпонлар.

1. Ўралган ашёлар:

$$F = \frac{7182}{200} = 36\text{м}^2$$

$$Q_{\text{зах}} = \frac{26784}{16} \cdot 1,1 \cdot 1,3 \cdot 3 = 7182\text{т} \quad S = \frac{36}{0,5} = 72\text{м}^2$$

2. Плитани иситкич:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{288}{9} \cdot 1,1 \cdot 1,3 \cdot 2 = 92\text{т}$$

$$F = \frac{92}{2} = 46\text{м}^2 \quad S = \frac{42}{0,6} = 70\text{м}^2$$

3. Дераза ва эшик блоклари:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{1266}{12} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 453\text{м}^2$$

4. Пол учун сопол плиткалар:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{33}{2} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 70,8\text{т}$$

$$F = \frac{70,8}{3,5} = 20,2\text{м}^2 \quad S = \frac{20,2}{2,68} = 9,3\text{м}^2$$

5. Битум.

$$Q_{\text{зах}} = \frac{52}{16} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 13,95\text{т} \quad S = \frac{9,2}{0,5} = 18,4\text{м}^2$$

$$F = \frac{13,95}{1,5} = 9,2\text{м}^2$$

II. Ёпиқ омборлар.

1. Дераза ойнаси:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{1299}{8} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 696\text{т}$$

$$F = \frac{696}{170} = 4\text{м}^2 \quad S = \frac{4}{0,6} = 6,7\text{м}^2$$

2. Олифлар, краска, шпаклевка ва ҳ.к.:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{1075}{10} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 767\text{т}$$

$$F = \frac{767}{800} = 1\text{м}^2 \quad S = \frac{1}{0,5} = 2\text{м}^2$$

3. Гипс, оҳак, мел:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{340}{6} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 340 \text{ т}$$

$$F = \frac{340}{800} = 0,4 \text{ м}^2 \quad S = \frac{0,4}{0,5} = 1 \text{ м}^2$$

4. Қолган ашёлар – 30 м².

Омборнинг умумий майдони – 40 м².

III. Очiq омборлар.

1. Гишт омбори:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{43200}{12} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 15444 \text{ дона}$$

$$F = \frac{15444}{700} = 22 \text{ м}^2 \quad S = \frac{22}{0,6} = 36,8 \text{ м}^2$$

2. Шағал омбори:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{66}{4} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 66$$

$$F = \frac{66}{1,8} = 44 \text{ м}^2 \quad S = \frac{44}{0,6} = 73 \text{ м}^2$$

3. Девор панелининг омбори:

$$Q_{\text{зах}} = \frac{2448}{34,5} \cdot 1,1 \cdot 3 \cdot 1,3 = 304$$

$$F = \frac{304}{0,9} = 44 \text{ м}^2 \quad S = \frac{44}{0,6} = 74 \text{ м}^2$$

Очiq омборларнинг умумий майдони – 175 м².

Қурилиш майдончасини вақтинчалик сув билан таъминлаш ва қурилиш бош тархида акс эттириш

Қурилиш ишлаб чиқаришини сув билан таъминлаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун сув таъминотини лойиҳалашда бўлиши мумкин бўлган ҳар бир сув сарфи ҳисобга олиниши даркор. Бундай сув сарфлари шартли равишда 2 гуруҳга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш мақсадларига сарфланадиган сув сарфлари.

2. Хўжалик ва маиший мақсадларига сарфланадиган сув сарфлари.
3. Ёнғинга қарши сув сарфлари.

Қурилиш майдончасидаги вақтинчалик сув сарфи қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$q_{\text{хис}} = q_{\text{ен}} + 0,5 \sum q, \text{ л\сек}$$

бу ерда:

$q_{\text{ен}}$ – ёнғин эҳтимоллигига қарши сув сарфи бўлиб, 30 гектаргача майдони учун 2 та кран 5 л\сек ҳисобида олинади: $q_{\text{ен}} = 2 \times 5 = 10 \text{ л\сек}$.

$\sum q$ – ишлаб чиқариш ва хўжалик мақсадларига зарур сув сарфлари йиғиндиси:

л\сек

– алоҳида қурилиш ишларига бир сменада сарфланадиган энг кўп сув сарфи

л\сек

P – кўрилаётган сменадаги бирлик ишни бажаришга зарур бўлган сув миқдори, л.

Q – шу ишнинг ҳажми.

K_1 – сув сарфининг ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент, $K_1 = 1,5$.

t – смена давомийлиги, $t = 8,2$ соат.

Хўжалик мақсадларидаги сув сарфи қуйидагича ҳисобланади:

Бу ерда:

b – битта ишчига сув сарфи меъёри, $b = 1,5 \text{ л}$.

$N_{\text{ум}}$ – сменадаги умумий қурувчилар сони, киши.

K_2 – сув сарфининг ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент, $K_2 = 2 \text{ л}$.

Душ қурилмалари учун сув сарфи қуйидагича ҳисобланади:

Бу ерда:

c – душ қабул қилувчи 1 киши учун сув сарфи, $c = 30 \text{ л}$.

t – душга тушиш вақт, $t = 45$ минут.

Агар кўрилаётган сменада сув сарфлайдиган машина ва қурилмалар ишласа учун ҳам сув сарфи ҳисобланади:

ΣQ – кўрилаётган сменада ишлайдиган машиналарга сув сарфи, л.

K_3 – сув сарфининг ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент, $K_3=3$.

Қурилиш майдончасидаги вақтинчалик сув сарфи л\сек ларда ҳисоблаб топилгач, ички водопровод қувурининг диаметри ҳисобланади:

Бу ерда:

ϑ – қувурдаги сув оқимининг тезлиги.

$\vartheta = 1,5 \text{ л\сек.}$

Ҳисоблаб топилган диаметрдаги сув таъминоти қувурлари қурилиш майдончасига асосан вақтинчалик йўллар бўйлаб жойлаштирилади.

Қурилишнинг сувга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш

Қурилишни сув билан таъминлашда мавжуд сув системасидан фойдаланилади. Тармоқлар ҳисобига асосан, сув ишлаб чиқаришга, маиший хўжаликка, душларга ва ёнғинга қарши ишлатилади.

Умумий сувга бўлган талаб:

Ишлаб чиқариш учун керак бўладиган сув сарфи қуйидаги формуладан топилади:

$$Q = \frac{NA_1 \cdot K_1}{n \cdot 3600}, \quad \text{л\сек}$$

Бу ерда:

N – сменада кўп юкланган транспорт ёки асбоблар сони;

A_1 – ишлаб чиқаришга керак бўладиган сувнинг сарфланиши;

K_1 – 1 соатли сув ишлатилиш коэффициенти;

n – иш соати.

- | | |
|--|-------|
| 1) | Ғиштг |
| а қуйиш | |
| $A=9-230\text{л}, n=8 \text{ соат}$ | |
| $Q = \frac{6 \cdot 230 \cdot 1,5}{8 \cdot 3600} = 0,0718 \text{ л\сек}$ | |
| 2) | Комп |
| рессорга қуйиш | |
| $A_1=5-10\text{л} (114 \text{ м}^3 \text{ ҳавога}) \quad n=8 \text{ соат.}$ | |
| $Q = \frac{10 \cdot 10 \cdot 1 \cdot 1,5}{8 \cdot 3600} = 0,0005 \text{ л\сек}$ | |
| 3) | Сувоқ |
| ишлари учун | |
| $A_1=7-8 \text{ л\м}^2, n=8\text{соат}$ | |
| $Q = \frac{50 \cdot 8 \cdot 1,5}{8 \cdot 3600} = 0,02 \text{ л\сек}$ | |
| 4) | Бетон |
| ва қолипга қуйиш учун | |
| $A = 400 \text{ л\м}^3, n=24 \text{ соат}$ | |
| $Q = \frac{10 \cdot 400 \cdot 1,5}{24 \cdot 3000} = 0,069 \approx 0,07 \text{ л\сек.}$ | |

Ишлаб чиқаришга 1 сек. сарфланган сувнинг жами: $V_{\text{пр}}=0,228 \text{ л\сек.}$

Маиший хўжалик учун сарфланадиган сув ишчилар сонига ва уларнинг сувдан фойдаланишига боғлиқ. Хўжалик ичимлик суви 1та ишчига сарфи $A_2=10-15 \text{ л.}$

Нотекислик коэффициенти $K_3=3, n=8 \text{ соат, 1 сек.сув сарфи:}$

Ўт ўчиришга кетган сув сарфи ҳисобда л\с, бир вақтда 2 гидрантдан фойдаланилади. Ҳар бир гидрантга 0,5 л\с 1 сек. ҳисобланган сув сарфи:

Вақтинчалик водопровод учун труба диаметри қуйидаги формуладан топилади:

Бу ерда: $V_{расч}=V_{обш}$, $V=1,5 \div 2$ л\с – сув ҳаракатини тезлиги катта диаметрли труба учун ва $V=0,7 \div 1,2$ л\с труба учун

$$D = 35,69 \cdot \sqrt{\frac{10,595}{1,6}} = 94,85 \text{ мм.}$$

Ўт ўчириш гидрантини энг кам диаметри 100 мм бўлгани учун вақтинчалик водопровод қувурларининг $d=100$ мм лиги тўғри келмайди. Шунинг учун вақтинчалик водопровод учун кичик ўлчамли қувурларни қабул қиламиз:

$$V_{ум}=1,19 \text{ л\сек.}$$

$$D = 35,69 \cdot \sqrt{\frac{1,19}{1,2}} = 35,54 \text{ мм.}$$

Ўт ўчириш гидрантлари учун қувур диаметрини $d=144$ мм деб, ўтиш йўли $d=100$ мм деб қабул қиламиз. Маиший хўжалик водопроводларида қувур $d=45$ мм, шартли ўтишни 100 мм деб олинади.

Қурилиш учун керак бўлган қурилиш ашёлари рўйхати

№	Ашёларнинг номи	Ўлч.б ирл.	Сони	1м ² майдонга тахланадиган ашёлар сони	Тахлаш баландл иги, м	β
1	2	3	4	5	6	7
1. Ёпиқ						
омборлар						
1.	Михлар	кг	16,5	-	-	
2.	Электродлар	кг	7,18	-	-	
3.	Линолеум	м ²	87	80	2-3	

4.	Дераза ойнаси	м ²	1299	170	0,5-0,6	
5.	Замазка	кг	10	800	1,5	0,6-0,7
6.	Мел	кг	90	-	2	
7.	Гипс	кг	181	-	-	
8.	Шпаклевка	кг	107,5	600-800	1,2	
9.	Оҳак	кг	90	800	1,5	
2. Шийп						
онлар						
1.	Сим	т	0,16	3	1,2	
2.	Ўзак	т	3,14	3-4	1,2	
3.	Металл буюмлар	т	35,48	0,5-0,7	1,2	
4.	Ўрама ашёлар	м ²	26784	200	1-1,5	
5.	Плитали иситкич	м ³	288	2	2,5	
6.	Битум	т	52	1,5	2	
7.	Ойна ва эшик блоклар	м ²	1266	4,5	2	
8.	Пол учун керамик плита	м ²	33	3,5	2	
9.	Пакля	кг	50	0,4	2	
10.	Тахталар	м ³	4,9	1,2	2	
11.	Қолип тахталари	м ²	156	1,2	2	

Вақтинчалик бино ва иншоотларга талабни аниқлаш.

Вақтинчалик бино майдонини аниқлаш энг кўп одам сонига қурилиш майдонидаги ва ҳар бир одам учун меъёрий майдондан шу бинодан фойдалагаётганлар сонига қараб аниқланади. Ишчилар сони қуйидаги формуладан аниқланади:

Бу ерда:

ишчилар сони,

инженер-техник ходимлар,

$N_{кхк}$ – кичик хизмат қилувчи ходимлар ва қоровуллар.

$k=1,05\div 1,06$ – касалларни, отпускани ва бошқаларни ҳисобга олувчи коэффициент.

Календарь жадвалдан аниқлаймиз, қурилишда 26 киши ишлайди.
Шундай қилиб ишчилар сони:

$$N = \frac{26 \cdot 100}{83,9} = 30,98 \approx 31$$

кишини ташкил қилади.

Шундай қилиб, 1% 0,3 кишини ташкил этса унда:

$$0,3 \cdot 11 = 3,3 \approx 3 \text{ киши,}$$

$$= 0,3 \cdot 3,6 = 1,08 \approx 1 \text{ киши.}$$

Вақтинчалик бинолар майдонини ҳисоблаш.

№	Вақтинчалик бинолар	Ишчилар сони	Бинодан фойдаланувчилар сони %	Бинони майдони м ²		Вақтинчалик бинонинг тури ва сони	Бинони ўлчами, м
				1 та ишчи учун	Умумий сони		
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Хизмат т хонаси							
1.	Прораб хонаси	3	100	4	12	Силжичувчи вагон	9x2,7
2.	Диспетчер хонаси	1	100	7	7	Силжичувчи вагон	9x2,7
2. Майиши й озодалик							
1.	Гардероб хонаси	26	70	0,7	12,74	Силжичувчи вагон	9x3
2.	Душхона	33	50	0,54	8,9	Силжичувчи вагон	8,5x3,1
3.	Ювиниш хонаси	33	50	0,2	33	Силжичувчи вагон	8,5x3,1
4.	Кийим ва пойафзал учун қуриштириш хонаси	33	40	0,2	2,6	Силжичувчи вагон	9x2,7
5.	Ишчиларнинг исиниш хонаси	33	50	0,1	1,7	Силжичувчи вагон	9x2,7
6.	Овқатланиш ва дам олиш хонаси	33	50	1,0	16,5	Силжичувчи вагон	9x2,7
7.	Фельдшер учун медпункт	-	-	-	24,3	Силжичувчи вагон	9x2,7
8.	Ҳожатхона	33	100	0,1	3,3	Контейнер	6x3
3. Ишлаб чиқарувчилар							
1.	Озодалик	-	-	-	-	Силжичув-	4,1x2,2

						чи вагон	
2.	Электротехник	-	-	-	-	Силжичув- чи вагон	4,1x2,2
3.	Дурадгорлик	-	-	-	-	Силжичув- чи вагон	2x2,8
4.	Бўёқчилик станц.	-	-	-	-	Силжичув- чи вагон	4,5x1,5
5.	Сувоқчилик станц.	-	-	-	-	Силжичув- чи вагон	4,5x1,5

Вақтинчалик оқава сувларни йиғиб олиш тизимини лойиҳалаш.

Вақтинчалик канализацияни ташкил қилиш кўп миқдорда ишчи кучи ва капитал маблағ талаб қилгани учун бу ишларни иложи борида кам ҳажмда лойиҳаланади.

Агар объектда фекаль тармоқ бўлса контейнер типигаги санузелларни кудуқларга яқин жойлаштирилади, ҳамда у ерга вақтинчалик сув ва электр тармоғи олиб борилади. Агар қурилишда фекаль канализация тармоғи яқин жойдан ўтмаган бўлса, у ҳолда санузел кабиналарини ерни чуқур қавлаб ўша ерга жойлаштирилади.

Вақтинчалик иссиқлик билан таъминлаш.

Қурилиш майдонида бир қанча мақсадларга иссиқлик сарф бўлади. Бунда талаб қилинадиган умумий иссиқлик миқдори қуйидаги формула билан топилади:

Бу ерда:

Q_1 — бинони иситиш учун сарфланадиган иссиқлик миқдори, ккал\соат;

Q_2 — технологик эҳтиёж учун сарфланадиган иссиқлик миқдори,
ккал\соат;

K — тармоқда иссиқликнинг йўқолишини ҳисобга олувчи

коэффициент $K_1=1,15$;

коэффициент, $K_2 = 1,2$ га тенг.

Бинони иситиш учун сарфланадиган иссиқлик миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_1 = V_H q_0 d \cdot (t_n - t_m)$$

Бу ерда:

V_H – бинонинг умумий ҳажми, m^3 ,

q_0 бинонинг солиштирма иссиқлик кўрсаткичи, маъмурий бинолар учун

$q_0 = 2,64$, ишлаб чиқариш бинолари учун $q_0 = 3,35$.

Технологик мақсадларда фойдаланиладиган иссиқлик миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$Q_2 = \frac{\Sigma V \cdot M}{t \cdot K}$$

Бу ерда:

V – иссиқлик талаб этадиган қурилиш ҳажми, m^2 ёки m^3 .

M – бирлик ҳажмдаги ишни бажариш учун сарфланадиган иссиқлик миқдори, ккал.

t – иссиқликдан фойдаланиш вақти, соат.

K – иссиқликдан фойдаланишдаги нотекисликни ҳисобга олувчи коэффициент, $K = 1,1-1,2$.

Қурилиш майдончасини вақтинчалик электр энергияси билан таъминлаш ва уни қурилиш бош тархида акс эттириш.

Қурилиш ишлаб чиқаришини электр энергиясисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Чунки қурилишда ишлатиладиган аксарият кўпчилик машина механизмлар, асбоб-ускуналар, электр энергияси ёрдамида ҳаракатга келади ва ишлайди. Тунги сменаларда иш жойини ёритиш, қурилиш майдончасини кўриқлаш мақсадида ёритиш, вақтинчалик бино ва иншоотлардан фойдаланишда ички ёритиш чироқларидан фойдаланиш ва бошқалар электр энергиясининг қай даражада ахамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Шунинг учун қурилиш майдончасида электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб топиш, электр таъминоти тизимини лойиҳалаб қурилиш бош тархида акс эттиришга катта эътибор билан қараш керак.

Бу йўналишда қуйидаги масалалар ҳал қилиниши зарур:

- Электр энергияси сарфланадиган истеъмолчилар, уларнинг қуввати ва қурилиш майдончасида жойлашиш тартиби аниқланади;
- Электр энергиясини қаердан олиш масаласи ҳал қилинади;
- Трансформаторнинг ёки кўчма электр станциясининг зарурий қуввати ҳисоби;
- Қурилиш майдонини электр энергияси билан таъминловчи тармоқ схемаси лойиҳаланади.

Электр энергиясига бўлган талаб, ундан энг кўп сарфланадиган смена учун қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

кВт.

Бу ерда:

P_m – машина ва механизмларга ўрнатилган электр двигателининг қуввати, кВт.

P_t – техник мақсадларда фойдаланиладиган электр қуввати, кВт.

$P_{\text{ир}}$ – ички ёритишга сарфланадиган электр қуввати, кВт.

P_m^* – ташқи ёритишга сарфланадиган электр қуввати, кВт.

K_1, K_2, K_3, K_4 – энергияга бўлган талаб коэффицентлари;

$\cos\varphi$ – қувват коэффиценти.

Талаб этилаётган умумий электр қуввати (P) нинг қийматини ҳисоблашда K_1, K_2, K_3, K_4 ва $\cos\varphi$ коэффицентларининг қийматини аниқлашда ва трансформатор танлашда махсус жадваллардан фойдаланилади.

Қурилиш майдонини қўриқлаш мақсадида тунги чироқлар билан ёритиш зарур. Бу чироқларнинг сони қуйидагича ҳисоблаб топилади:

$$n = \frac{E_p \cdot S \cdot m \cdot k}{F_{\text{л}} \cdot \eta}$$

Бу ерда:

E_p – майдоннинг ёртилганлиги, $E_p = 0,2$ лк.

S – ёритилиши лозим бўлган майдон, m^2 .

m – ёруғликнинг тарқалиш коэффициенти, $m = 1,2$.

k – коэффициент, $k = 1,3$.

$F_{\text{л}}$ – чироқнинг фойдали иш коэффициенти.

$\eta = 0,8$ чироқ лампасининг қуввати, $F_{\text{л}}=500-1000$ Вт.

Қурилишни электр энергияси билан таъминлаш

I.

Ишла

б чиқариш учун қувватлилик қуйидаги формуладан аниқланади:

Бу ерда:

κ –

талабчанлик коэффициенти,

$\cos\varphi$ қувват коэффициенти.

1.

Пайва

ндлаш трансформатори:

$P_{\text{пр}}=2 \cdot 30=60$ кВт, $K_c=0,35$, $\cos\varphi =0,94$.

2.

Вибра

торлар:

ИБ=91, $P_{\text{пр}}=1,8$, $K_c=0,1$, $\cos\varphi =0,4$.

3.

Кўчир

иладиган механизмлар:

$K_c=0,1$ $\cos\varphi =0,4$.

4.

Қори

шмалар тугуни:

$P_{\text{пр}}=4$ кВт, $K_c=0,5$, $\cos\varphi =0,65$,

$$W = \frac{60 \cdot 0,35}{0,4} + \frac{1,8}{0,4} + \frac{4,05}{0,65} = 56,05 \text{ кВт.}$$

II.

Ташқ

и ёритиш тармоғининг қувватлилиги

$$W_{H.O} = K_c \cdot \Sigma P_{H.O}$$

№	Электр энергия истеъмолчилари	Ўлч. бирл.	Сони	Меъёрий ёритиш, кВт	Қувватлилик
1.	Бино қурилиши	1000м	4,320	2,4	10,368
2.	Очиқ омборлар	1000м	0,173	0,8-1,2	0,207
3.	Ёпиқ омборлар	1000м	0,24	1,5	0,346
4.	Ички қурилган йўллар	1000м	0,46	2-2,5	0,15
5.	Қоровулхонани ёритиш	1000м	0,524	1-1,5	0,886
6.	ёриткичлар	дона	4	0,5	2

Жами : $\Sigma 14,08$ кВт.

III.

Ички

тармоқ ёритиш қувватлилиги

$$W_{B.O.} = K_c \cdot \Sigma P_{B.O.}$$

№	Электроэнергия истеъмолчилари	Ўлч. бирл.	Сони	Меъёрий ёритиш	Қувватлилик, кВт
1.	Иш бошқарувчи контораси	100м ²	0,243	1-1,5	0,36
2.	Ювиниш хонаси, гардероб	100м ²	0,243	1-1,5	0,36
3.	Овқатланиш, дам олиш хонаси	100м ²	0,243	0,8-1	0,243
4.	Душхона	100м ²	0,263	0,8-1	0,263
5.	Ҳожатхона	100м ²	0,18	0,8-1	0,18
6.	Медпункт	100м ²	0,243	1-1,5	0,36
7.	Устахона	100м ²	0,65	1,3	0,85
8.	Ўтиш жойи	100м ²	0,09	0,8-1	0,09
9.	Оёқ кийим ва кийим қуришти хонаси	100м ²	0,025	0,8-1	0,025
Жами: $\Sigma P_{B.O.} = 2,731$ кВт					

Ички ёритиш учун электр энергия миқдори

$$W_{B.O.} = K_c \cdot \Sigma P_{B.O.} = 0,8 \cdot 2 \cdot 731 = 2,19 \text{ кВт.}$$

Истеъмолчиларнинг умумий қувватлилиги:

Шунга қараб трансформатор танланади. Бизнинг лойиҳада трансформатор танлаймиз, трансформатор қувватлилиги

ТМ - 100/10 трансформаторни танлаймиз: қуввати – 100 кВт, оғирлиги 1154 кг, энг кўп кучланиш 10 кВт.

Қурилиш бош режасининг техник-иқтисодий кўрсаткичи.

Қурилиш бош режасининг техник-иқтисодий кўрсаткичини жадвалда кўрсатилган. Вақтинчалик бино ва иншоотлар олдиндан ҳисобланган. Қурилиш бош режасини ихчамлилиги қурилиши керак бўлган майдонга қуриладиган бино майдонини нисбати олинади:

ҚУРИЛИШДА
МЕҲНАТ
МУҲОФАЗАСИ ВА
ХАВФСИЗЛИК
ТЕХНИКАСИ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – иш жараёнида инсон хавфсизлиги, саломатлиги ва иш қобилиятини оширишни таъминловчи қонунлар системаси ҳамда уларга мувофиқ келадиган социал – иқтисодий, ташкилий, техникавий, гигиеник ва даволаш профилактикаси тадбирлари ҳамда воситалари.

Иш жойларида тўлиқ зарарсиз ва хавфсиз ишлаш учун шароит яратиш амалда мумкин эмас. Шу сабабли меҳнат муҳофазасининг вазифаси зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ишловчиларга таъсирини энг кам даражага келтиришга имкон берадиган чора-тадбирларни кўришдан, ишчининг шикастланиши олдини олишдан, юқори меҳнат унумдорлигига эришишга ёрдам берадиган қулай шароитларни яратишдан иборат.

ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ – ишловчиларга ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини, унинг олдини оладиган ташкилий чора тадбирлар ва техника воситалари системаси.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ – объектда ёнғин пайдо бўлиш хавфини олдини олиш, шунингдек, моддий бойликларни муҳофаза қилишдан иборат.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ – ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллар таъсирини олдини оладиган чора-тадбирлар ва техника воситалари системаси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ХАВФЛИ ОМИЛ – ишлаб чиқаришда ишловчиларга муайян шароитларда таъсир этганда шикастланишга ёки соғлиқнинг кескин ёмонлашувига таъсир этадиган омил. Бунга мисол қилиб, ҳаракатланаётган машина, трактор, юк кўтариш воситалари билан кўтариладиган юк, машина ва механизмларнинг муҳофазаланмаган айланувчан ва қайтма-илгариланма ҳаракат қилувчи қисмларнинг ҳаракати хавфли омиллар каторига киради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЗАРАРЛИ ОМИЛ – ишчиларга иш вақтида таъсир этиб касалланишга ёки иш қобилиятининг пасайишига олиб келадиган омил. Зарарли омилларга нефт маҳсулотлари ва бошқалар киради.

ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ – кишиларни электр токи, электр ёйи, электрмагнит майдонининг зарарли ҳамда хавфли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлайдиган ташкилий ва техник чора-тадбирлар системаси.

Қурилиш майдончасида ва майдончадан ташқари меҳнат мажбуриятини бажариш пайтида, бошқарма маъмурияти, иш юритувчи томонидан берилган вазифаларни бажаришда, шунингдек, бошқармага қарашли транспорт воситаларида ишга ёки ишдан қайтиш пайтида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни махсус комиссия текшириб ҳисобга олиб боради. Иш вақтида ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа воситаларни тартибга келтириш учун бўлган вақтда, ишни бошлаш ва тугаллаш пайтида, ишдан ташқари ортиқча ишлаган пайтда, байрам ва дам олиш кунлари рўй берган бахтсиз ҳодисалар, шунингдек ишлаб чиқаришда бўлган захарланиш, офтоб уриши, совуқ уриши ҳам текширилиб, ҳисобга олиб борилади.

Қурилиш майдончасини шундай ташкил этиш керакки, бунда барча участкалар ва ишчи жойларида меҳнат хавфсизлиги таъминланган бўлиши керак.

Қурилиш майдончаси ва иш жойини ташкил қилиш ҚМҚ III-4-80 “Қурилишда хавфсизлик техникаси”га асосланиб амалга оширилади.

Ҳар бир қурилиш объектида хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбирларни ўз ичига олган “Ишлаб чиқариш ишлари лойиҳаси” деб номланган ҳужжат бўлиши керак. Ишлаб чиқариш ишлари лойиҳаси қурилиш бошқармасининг бош муҳандиси томонидан тасдиқланиб, қурилиш ишларини бошлашдан икки ой олдин қурилиш объектига берилади. Бу ҳужжатсиз қурилиш-монтаж ишларини бажаришга руҳсат этилмайди.

Қурилиш майдончасида ер қазилар, текислаш, юкларни ортиб бериш ҳамда юк кўтариш ишларини бажаришда албатта қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланилади.

Ер ишлари учун техника хавфсизлиги қоидалари

1. Ишлаётган ер ости коммуникациялари жойлашган жойларда ер ости ишларини бажариш бошлангунча, ушбу коммуникацияларни ишлатувчи ташкилотлар билан хавфсиз ишлаш шароитлари бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши ва келишилиши, ер ости коммуникацияларининг жойдаги ўринлари тегишли белгилар ёки ёзувлар билан белгилаб чиқиши лозим.
2. Портлаш хавфи бўлган майдонлар ошкор қилинганда, тегишли ташкилотларнинг руҳсати олингунча ушбу жойларда ер ишлари дарҳол тўхтатилиши лозим.

3. Ўра ёки хандақдан чиқарилган грунтни ўйиқ четидан камида 0,5 м масофада жойлаштириш лозим.
4. Чуқурлиги 5 м дан ортиқ бўлган ўйиқларда барча ҳолларда ҳамда 9.10 – бандда ва 4 – жадвалда кўзда тутилмаган гидрогеологик шароитлар ва грунтлар турларида 5 м дан кам чуқурликларда нишаблар тиклиги лойиҳада белгиланиши лозим.
5. Ўра ва хандақлар деворларининг маҳкамлашга инвентар маҳкамлагичлардан фойдаланиш имкони бўлмаганда, якка лойиҳалар бўйича тайёрланиб белгиланган тартибда тасдиқланган маҳкамлагичлардан фойдаланиш лозим.
6. Маҳкамлагичлар ўрнатилганда, уларнинг юқориги ўйиқ четидан камида 15 см чиқиб туриши лозим.
7. Қиш вақтида қазилган ўра ва хандақлар илиқ кунлар келиши билан кўздан ўтказилиши, қаров натижаси бўйича эса, нишаб ёки тиргақлар устиворлигини таъминлаш бўйича тадбирлар кўрилиши лозим.
8. Грунтни электр қиздириш билан боғлиқ ишларни бажариш лозим бўлганда, ГОСТ 12.10.12-78 талабларига риоя қилиш лозимдир. Қиздириладиган майдонни ўраб олиш, унда огоҳлантирувчи сигналлар ўрнатиш, тунги пайтларда эса, ёритиш лозим. Тўсиқ билан қиздирилувчи участка контури орасидаги масофа камида 3 м бўлиши лозим. Кучланиш остида бўлган қиздирилувчи майдон участкаларида одамлар бўлмаслиги лозим.
9. Автоўзлағдаргичларга грунтни юклаш орқа ёки ён бўртдан бажариш лозим.
10. Грунтни бир-бирининг кетидан борувчи иккита ва ундан ортиқ ўзи юрар ёки шатак машиналар воситасида қазийтганда, ташиётганда, туширишда, текислашда ва зчлашда улар орасидаги масофа камида 10 м бўлиши лозим.

Конструкцияларни монтаж қилишда хавфсизлик техникаси

Қурилиш–монтаж ишларини бажаришда ишчидан ҳар томонлама маҳорат ва ишни хавфсиз бажариш учун чуқур билим талаб қилинади. Бунинг учун эса уларни аввало хавфсизлик техникаси қоидалари асосида малакали ўқитиш лозим бўлади. Қурилиш бошқармасига ишга қабул қилинган барча ишчилар ишлаб чиқаришнинг характери ва хавфлилики даражасидан қатъи назар меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, билимлари текширилгандан кейингина ишлашга кўйилади.

Монтаж ишларини бажаришга 18 ёшга тўлган, шу касб бўйича ўқиб, тегишли гувоҳнома олган, тиббий кўрикдан ўтган ва хавфсизлик техникаси бўйича ўқитилиб, билимлари синовдан ўтказилган ишчиларгина рухсат берилади.

Иш бошлашдан олдин монтажчи ишларни хавфсиз бажариш учун ишлаб чиқариш ишлари лойиҳаси билан батафсил танишиб, мастер ёки прорабдан керакли топшириқ ва хавфсизлик техникаси бўйича қўшимча инструктаж олиб, ҳимоя каскаси ва монтаж камарини тақиб, махсус кийим-бошларини тартибга келтиради. Монтаж камарининг синовдан ўтказилган муддатига алоҳида эътибор берилади. Монтаж қурилмалари, юк кўтарувчи мосламалар ва асбобларнинг созлиги текшириб кўрилади ҳамда ишга тайёрланади.

Хавфли зоналар, супалар, нарвонлар ва монтаж майдончаларидаги тўсиқ ва панжараларнинг мустаҳкамлиги текшириб кўрилади. Кранларнинг созлиги ва ишончли ўрнатилганлиги, қурилиш ашёлари ва конструкцияларнинг оғирлиги краннинг юк кўтариш қувватига мос келиши ҳамда назорат юк билан краннинг ортиқча юк кўтарганда автоматик тарзда ташлаб юборувчи асбобининг созлиги алоҳида текшириб олинади.

Монтажчи ишни тугатгандан сўнг иш ва ўтиш жойларини тартибга келтириши, кераксиз буюм ва ахлатлардан тозалаб, асбоб ҳамда монтаж қурилмаларини йиғиштириши, уларни махсус сақланадиган хонага топшириши лозим.

Монтаж ишларида қуйидаги хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш керак:

1. Монтаж ишлари олиб борилаётган жойларда бошқа ишларнинг бажарилиши ва бегона шахсларни бўлишиги рухсат берилмайди.
2. Конструкциялар ва ускуналар элементларини илиш усуллари уларни ўрнатиш жойига лойиҳадагига яқин ҳолатда узатилишини таъминлаш лозим.
3. Тўғри илиш ва монтаж қилишни таъминловчи монтаж сиртмоқлари ёки илгакларига эга бўлмаган йиғма темирбетон конструкцияларни кўтариш тақиқланади.
4. Конструкцияларнинг монтаж қилишга мўлжалланган элементларини ифлосликлардан ва ёпишмалардан тозалашни уларни кўтаришдан олдин бажариш лозим.

5. Монтаж қилинувчи конструкциялар ёки ускуналар элементлари кўчириш пайтида чайқалиш ва айланишдан қайишоқ тортқичлар воситасида сақлаб турилиши лозим.
6. Конструкциялар ва ускуналар элементларида, уларни кўтариш ёки кўчириш пайтида одамларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.
7. Ишда танаффус бўлганда, конструкцияларнинг ва ускуналарнинг кўтарилган элементларини осилган ҳолда қолдиришга рухсат берилмайди.
8. Монтажчиларнинг бир конструкциядан бошқасига ўтиши учун инвентар нарвонлардан, тўсиққа эга бўлган ўтиш кўприклари ва кранлардан фойдаланиш лозим.
9. Конструкциялар ва қурилмаларнинг монтаж қилинаётган элементлари лойиҳавий ҳолатга ўрнатилмагунча уларнинг тагида одамларнинг бўлиши тақиқланади.
10. Монтаж ишларини бажаришда технологик ва монтаж жиҳозларини маҳкамлашда, ускуна ва қувурўтказгичлардан, шунингдек технологик ва қурилиш конструкциялардан, уларни тўғри ишлатишга масъул шахслар билан келишмасдан туриб, фойдаланишга йўл қўйилмайди.
11. Бинонинг ёки иншоотнинг ҳар бир навбатдаги яруси конструкциялари монтажи яруснинг барча элементлари лойиҳага мос тарзда ишончли маҳкамланганидан кейингина бажарилиши лозим.
12. Синч бинолар монтаж қилинаётганда олдинги ярусда тўсувчи конструкциялар ёки муваққат тўсиқлар ўрнатилганидан кейингина навбатдаги ярусни ўрнатишга рухсат берилади.
13. Конструкцияларни, биноларни ёки иншоотларни монтаж қилиш жараёнида монтажчилар олдин ўрнатилган ва ишончли маҳкамланган конструкцияларда ёки ҳавозаларда туришлари лозим.
14. Бино конструкцияси монтажи олиб борилаётган тутқичларда конструкция элементларининг кўчиши пайтида юк одам кўтаргичлардан фойдаланиш тақиқланади.
15. Юк кўтариш воситалари юк арқонлари ва полиспастларнинг монтаж жараёнида тикдан четлашиш бурчаклари паспортда, тасдиқланган лойиҳада ёки ушбу юк кўтариш воситасининг техникавий шартларда кўрсатилган катталикдан ортмаслиги керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2012 йил №150 қарори “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда урта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 7-банди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2003 йил ПФ-3240-сонли Фармони: “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2005 йил ПК-10 сон Қарори. “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.03.2005 йил ПФ-3586-сон Фармони: “Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармокни жадал ривожлантириш тўғрисида”.
5. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПК–1046-сон қарори
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009. – 24 бет.
7. Асқаров Б.А., Мирахмедов М., Бозорбоев Н. ва бошқалар. Бинокорликдан русча-ўзбекча атамалар луғати. Тошкент, Қомуслар бош тахририяти, 1994. –224 бет.
8. Спектор М.Д. «Выбор оптимальных вариантов организации и технологии строительства», М., СИ, 1990.
9. Третьяков А.К., Рожненко М.Д. Арматура ва бетон ишлари. Тошкент, Ўқитувчи, 1985. – 298 б.
10. Штоль Т.М., Евстратов Г.И. Строительство зданий и сооружений в условиях жаркого климата. М., В.ш. 1984. – 349 стр.
11. Строительное производство. Энциклопедия. М., СИ, 1995. – 464 стр.
12. ҚМҚ 3.01.01-97. Қурилиш-монтаж ишлари сифатига умумий талаблар. Т., 1997.
13. ҚМҚ 3.03.01.-98. Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар. Т., 1998.
14. ҚМҚ 3.04.02-97. Қурилиш конструкциялари ва иншоотларини коррозиядан ҳимоялаш. Т., 1997.
15. ҚМҚ 3.01.02-00. Қурилишда хавфсизлик техникаси. Т., 2000, –245 б.

16. ҚМҚ 3.03.06-99. Қурилиш қоришмаларини тайёрлаш ва қўллаш. Т., 1999. –102 бет.
17. Стаценко А. [Технология и организация строительного производства. 2002 г. Раздел 1. Технология строительного производства.](http://www.bizbook.ru/detail.html?book_id=) http://www.bizbook.ru/detail.html?book_id= (29КБ).
18. Белецкий Б.Ф. [Технология строительного производства: Учебник для вузов. 2002.](http://www.zzzemfira.com/shop/8108/6174/6228/1015244.htm) <http://www.zzzemfira.com/shop/8108/6174/6228/1015244.htm> (28КБ).
19. Афанасьев А.А., Данилов Н.Н. и др. [Технология строительных процессов. М., В.ш., 2000. ozon.ru](http://www.ozon.ru)
20. Н.Бозорбоев. «Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси». Ўқув қўлланма, Т., ТАҚИ, 2001.
21. Швиденко В.И. Монтаж строительных конструкций. М., В.ш., 1987.
22. Пишаленко Ю.А. Технология возведения зданий и сооружений. Киев, В.ш., 1982.
23. Бозорбоев Н., Умурзоков Э. Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. Амалий машғулотлар. Ўқув қўлланма. ТАҚИ, Ўқитувчи, 2005.
24. Бозорбоев Н., Бозорбоев Ф. Экстремал шароитларда қурилиш ишлаб чиқариши технологияси. 1-2 қисмлар. Ўқув қўлланма. ТАҚИ, Ўқитувчи, 2005.
25. Н.Бозорбоев. Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси. 1 қисм.Т., 2000.
26. Н.Бозорбоев, А.Ходжаев, О. Акбаров. “Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси”. 2 қисм, Т., 2001.
27. С.К.Хамзин, А.К.Карасев. технология строительных работ. Пособие по курсовому и дипломному проектированию. М., ВШ. 1987.
28. Черненко В.К. Методы монтажа строительных конструкций, Киев, Будивельник, 1982.
29. Штоль Т.М., Евстратов Г.И. «Строительство зданий и сооружений в условиях жаркого климата», М., СИ, 1984.
30. Технология и организация монтажа строительных работ. Справочник. Под ред. В.К.Черненко и др., Киев, Будивельник, 1988.